

Дилнавоз РАСУЛОВА

ҚАЛБИМНИНГ ҚЎРИ

ШЕЪРЛАР



“Бухоро” нашриёти-2005 йил



БОҚИЙ БАХТ БЎСТОНИ

Ижодкор аҳли учун боқий бахт бўстонига йўл очувчи муқаддас шеърият ишқи Дилнавоз қалбига ёшлигиданоқ меҳмон бўлганлиги билиниги турибди. Дилнавознинг бу олий, илоҳий туйғуни қадрлашига, уни асраб-авайлаб камол топтиришига ишонамиз. Чунки, Дилнавознинг ўзи буни “Шеърим” дея номланган битикларида муҳрлаб қўйибди:


*Оҳ, шеърим, кўнглимнинг моҳитобони,
Оппоқ қоғозимга сочилган ёғду.
Ўзингсан умримнинг ою осмони,
Ўзингсан эл аро қолгувчи мангу.*

Шеъриятни кўнглининг моҳитобони, аппоқ қоғозга сочилган ёғду, умрининг ою осмони, эл аро мангу қолувчи бахт деб билгувчи қизалоқ келгусида катта шоира бўлиб камол топишидан умид қилса бўлади. Зеро, тарих зарварақларида асрлар давомида қад ростлаб турган Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Низомий Ганжавий, Фирдавсий, Шота Руставели, Данте, Гёте, Пушкин, Лермонтов, Жорж Байрон каби даҳо шаирлар ҳам ижодларини болаликдан бошлаганлар. Йиллар давомида машаққатли меҳнат натижасида дунёга қолдирган ўлмас асарлари туфайли табаррук номлари, ўчмас шон-шухратлари жаҳон аҳли тилидан-тилига, дилидан дилига кўчиб юрибди. Дунёда бундан ортиқ бахт бўладими? Йўқ, албатта! Уларни бақий бахт бўстониининг султонлари деса арзийди.

Аmmo бундай шон-шарафга эришиш осон эмас. Ижод машаққати оғир. Буни чидаганга чиқарган. Ишонамизки, Дилнавоз меҳнатдан, машаққатдан, изланишлардан қочмайди, ижод қилишдан чарчамайди. Ҳамма вақт, ҳамма учун дастлабки қадамларни қўйиш қийин кечади. Шеърлардаги қусурлар буни кўрсатиб турибди. Бироқ уларни келгусида тузатиб бориш Дилнавознинг қўлидан келади. Агар у изланса, ижод қилса, келажаги парлоқ боқий бахт бўстонига эришиши ҳеч гап эмас. Буёғи унинг ўзига боғлиқ. Дилнавозга бу муқаддас ва мунаввар йўлда омад ёр бўлишига тилакдошмиз!

Бахшулла РАЖАБ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзаси,
“Меҳнат шухрати” ордени соҳиби.



31785
n a.



АЗИЗ ИНСОН ҚИЗИМАН

Мен бу фоний дунёда бир суюкли меҳмонман,
Кимлар учун ёмону кимгадир қадрдонман.
Кимнинг қалби тахтида мангу қолар армонман,
Кимнингдир айтолмаган балки сирли сўзиман,
Не бўлсам ҳам жаҳонда азиз инсон қизиман.

Мен кимнингдир дардига дармон бўлиб яралдим,
Кимларнинг кенг йўлида карвон бўлиб яралдим.
Одамийлик боғида гул бўлмоққа тиришдим,
Садоқат осмонининг энг ёрқин юлдузиман,
Не бўлсам ҳам жаҳонда азиз инсон қизиман.

Мен бир гулман, меҳрга, эътиборга ташнаман,
Мени чиндан севувчи вафодорга ташнаман.
Боримни яшнатувчи навбаҳорга ташнаман,
Суюкли бўстонларнинг эркасиман, юзиман,
Не бўлсам ҳам жаҳонда азиз инсон қизиман.

Мен хурман, озодман, келажагим нурафшон,
Мени қўллагай тангрим, менга омад ёр ҳар он,
Яшажакман шодланиб, суриб минг даври даврон,
Жоним каби азизим—Ўзбекистон қизиман,
Не бўлсам ҳам жаҳонда азиз инсон қизиман.

Мен яшайман яхшилар ишидан олиб ўрناق,
Меҳр-муҳаббат ўтида ёнар бу жўшқин юрак.
Менга ҳамроҳ оламда фақатгина бир тилак:
Бўлай Оллоҳ севувчи боқий жаҳон қизиман,
Не бўлсам ҳам жаҳонда азиз инсон қизиман.



ВАТАНИМ

Ватаним—жаҳоннинг жаннати, кўрки,
Мен гўзал боғида гулгунчадирман.
Қалбимда нафосат гулин қадаган
Ватаннинг фарзанди, чиройидурман.

Шукрона айтаман, юртим тинч, озод,
Меҳнаткаш халқимга қутлуғ макон бу.
Орзулар рўёби, истиқлол шони,
Омад, бахт қушларин қучган осмон бу.

Ёшлари донодир, ақли расодир,
Кексалар баркамол, ўй-фикри соғлом.
Фаровон бўлгуси тинч халқ ҳаёти,
Яхшидан қолгуси бунда яхши ном...

Ватаним—жаҳоннинг жаннати, кўрки,
Мен гўзал боғида гулгунчадирман.
Қалбимда нафосат гулин қадаган
Ватаннинг фарзанди, чиройидурман.

ШЕЪРИМ

Шеърим—умидимнинг чакноқ юлдузи.
Қалбим қуёшию жўшқин баҳорим.
Рухида барҳаёт ойдин бахт сўзи.
Дунёда яғонам, ёлғизим, борим.

Майин шамоллардан, оппоқ булутдан,
Сўз олиб куйиниб ёзилгай шеърим.
Парвозни олгайдир учқур бургутдан,
Излаган боғдаги дуру гавҳарим.

Оппоқ сахарлардан, гўзал гуллардан,
Нозли боқишлардан яралгай шеърим.
Фасллар куйидан, шўх булбуллардан
Шашт олиб нур каби таралгай шеърим.

Оҳ, шеърим, кўнглимнинг моҳитобони,
Оппоқ қоғозимга сочилган ёғду.
Ўзингсан умримнинг ою осмони,
Ўзингсан эл аро қолғувчи мангу.

Жисмим ҳам, жоним ҳам сенга бахшида,
Жавзо қуёшидай бўлгин чарогон.
Оташин қалбимни берурман сенга,
Миллионлаб дилларни айлагин макон!



ДУНЁ БИЛАН СУҲБАТ

—Эй, кўхна дунёйим, виқорли дунё,
Сени ким яратмиш бунча сержило?
—Наҳот беҳабарсан, эй ожиз банда,
Мени яратмишдир Тангри Таоло!
—Гоҳида бағринг кенг, гоҳи жуда тор,
Кувончдан қайғуйинг на мунча бисёр?
—Оҳ, буни сўрама, сўрама асло,
Бошимга ёғилган минг битта бало.
Ким-кимлар ўтмади кўкрагин кериб,
Ким-кимлар ўтмади кўздан ёш тўкиб.
Қалбимни жароҳат этганлар бўлди,
Унга малҳам суртиб кетганлар бўлди.
—Эй, кўхна дунёйим, нечун кўзингдан
Ёшларинг тўкилди мисоли маржон?
Қайси бир ўғлонинг бевақт, беватан,
Бағрингга бош қўйиб берган эди жон?
—Дарбадар кимсалар сон-саногии йўқ,
Бирин ханжар еди, бошқасини ўқ.
Бирин ўз дарди ила ўзи гирифтор,
Бирининг зулмидан бошқаси абгор.
—Эй, ҳайратли дунё, эй, ғамгин дунё,
Қаршингда бир умр, майли, тиз чўкай.
Орзуйим: кувончу шодлик, бахт билан
Кемтик қучоғингни нурга тўлдирай.



УСТАОЗ ШОИРҶА

Ихлосим баланддир, шеърға ошноман,
Юрагим шеър сеҳри асири буткул.
Шеърият ўтига мангу гадоман,
Бу ҳолим тушунар девона булбул.

Руҳимда гўзаллик балки шундандир,
Хайратда донг қотдим сеҳри соҳирдан.
Ижоднинг гуллаши ёруғ кундандир,
Ва ёки бариси Маҳмуд Тоҳирдан.

Рост, шоир шеърлари маъноли, маъсум,
Ҳар мисра миннатдор хуррам шоирдан.
Шеърларда қайноқ руҳ қилган табассум,
Бариси хушнафас Маҳмуд Тоҳирдан.

Хушталқин мисралар ҳар он ёдимда,
Бу ижод яралган кўли моҳирдан.
Сўзлари тилимда, ҳам баётимда,
Бариси хушнавис Маҳмуд Тоҳирдан.

Оламни, ҳаётни, Ватанни куйлаб,
Буюк шоир бўлиш Оллоҳ, тақдирдан.
Ёш ижод аҳлига омадлар тилаб,
Устоз бўлиш бахти Маҳмуд Тоҳирдан.



КЎРМАДИМ

Мен бутун борлиқни севдим, бахтли бир жон кўрмадим,
Даркор ўлса жон берувчи битта қурбон кўрмадим.

Гоҳ гўзалликдан кўнгиллар яйрамас, топмас қувонч,
Бу чиройдан кўнгли обод, шўху шодон кўрмадим.

Гоҳ фалак бағрин очар ёвдек булутлар базмига,
Зухралар бир-ла нурафшон нурли осмон кўрмадим.

Кездиму қизлар мисоли яшнаган кошонани,
Аммо ишқдан сархушу сармаст жонон кўрмадим.

Дўсту ёрлар меҳридан қалбим фароғат топмади,
Не қилайки, дилрабо дўст, қалби уммон кўрмадим.

Чехраларга лаъли лаблар кўрк қўшар кулгу ила,
Ваҳки, доим лолалардек лаъли хандон кўрмадим.

Боғда сайрар қушчалар ўзни мудом булбул санаб,
Шунча ҳофизлар аро булбулдек хушхон кўрмадим.

Бу ҳаётда неки кўрдим, неки билдим, кам ҳали,
Дилнавоздек қалби нозик девона инсон кўрмадим.



БАРАКАСИ БОР

Эрта тонгда дилдан зиёлар сочиб,
Жойнамоз устида қўлингни очиб,
Дуолар ўқисанг шодликни қучиб,
Ҳар лаҳза Оллоҳим сенга бўлар ёр.
Саҳарда турганнинг баракаси бор!

Ширин каломингда яшнасин оят,
Ҳатто тонг сабосидан тилагин омад,
Дуо қил, дилларга сўра муҳаббат,
Маконинг яшаргай мисли навбахор,
Саҳарда турганнинг баракаси бор!

Кўзларинг чакнагай меҳр нуридан,
Лабларинг безанар кулги дуридан,
Дил қуши суюнар ишқ суруридан,
Бировнинг зулмидан топмагин озор,
Саҳарда турганнинг баракаси бор!

Савоб ишларингга Оллоҳим гувоҳ,
Ақл бирла иш тутгин, сенга ёт гуноҳ.
Ишончинг бўлади доимий паноҳ,
Ноқаснинг ҳаққига бўлмагайсан зор,
Саҳарда турганнинг баракаси бор!

Гарчи мол-давлатинг бисёр дунёда,
Кулоқ бер Раҳмондан келган садога.
Мартабанг бўлажак юксак, зиёда,
Душманинг дастида бўлмагайсан хор,
Саҳарда турганнинг баракаси бор!

Файзу баракотлар ҳамроҳинг бўлар,
Қалб кўринг орзулар сеҳрига тўлар,
Дилнавоз Тангрига шукрона йўллар,
Барча яхшиликлар бўйнингга тумор
Саҳарда турганнинг баракаси бор!

МУСТАҶИЛЛИК

Кўҳна тарих қаъридан
Охи кўкка етганлар.
Хурлик ва эрк куйида
Шаҳид бўлиб кетганлар...
Не-не ота-боболарим
Орзу қилди бу кунни.
Жангу жадал ичра гоҳ
Кунга улади тунни.
Етиб келди ниҳоят
Юртим узра Ҳумо қуш.
Бошим узра қанот ёзди
Хурлик рамзи-бахтли қуш.
Менинг тенгдошим эрур
Истиқлолим—иқболим.
Дейман: озод юрт мангу
Бўлсин бахтга лиммо-лим!



ЎЗИНГДАН БЕЖОНА ҚИЛМА

Ожизанг бўлиб мен сенга юкиндим,
Дардларим тинглагин, пушти паноҳим.
Покдомон мўминга хамрох тутиндим,
Мададинг аяма, қодир Оллоҳим.

Юрагим бутундир сенинг меҳринг-ла,
Қабул эт ҳар сахар зорларим, оҳим.
Ҳар не балолардан асрагин, қўлла,
Раҳматинг аяма, қодир Оллоҳим.

Дийдамга ёш келар гуноҳ қилган он,
Кечиргин не бўлса қилган гуноҳим.
Гуноҳсизлик бўлар гоҳида армон,
Қудратинг аяма, қодир Оллоҳим.

Душманлар дастидан баъзан бежонман,
Барча қилмишларга ўзинг гувоҳим,
Тили заҳарларга ёлғон дostonман,
Ҳимоянг аяма, қодир Оллоҳим.

Ғийбату тўхматга дош беролмаймиз,
Одамлар макридан этгин огоҳим.
Меҳринг нафасидан олайн ором,
Меҳрингни аяма, қодир Оллоҳим.

Қаноат қиламан шукрона айтиб,
Ўзингдан бегона қилма илоҳим.
Бош уриб сўзлайман боримни тутиб,
Сеҳрингни аяма, қодир Оллоҳим.



БУХОРО

Жонажон Ватаним—қадим Бухоро,
Маълумим, машҳурим дунёлар аро.
Кўксингдан таралгай нури ҳидоят,
Сенингсиз харобдир бу кўҳна дунё.

Осмоннинг тиркаги кўкўпар минор,
Кўҳна гумбазларга туташ мададкор.
Нақшбандий бобомнинг руҳи сенга ёр.
Оллоҳ каломига сифинган дунё.

Ислом оламининг қуввати ўзинг,
Шариф шаҳарларнинг қудрати ўзинг.
Қадим ёдгорликлар шуҳрати ўзинг,
Ўзингсан жаҳонга сочгувчи зиё.

Тарихда нақшланар қувончу қайғу,
Асрлар ўтса ҳам қолурсан манғу.
Ислом оламига сочгайсан ёғду,
Маккадек маконим — қутлуғ қадамжо...

Жонажон Ватаним—қадим Бухоро,
Маълумим, машҳурим дунёлар аро.
Кўксингдан таралгай нури ҳидоят,
Сенингсиз харобдир бу кўҳна дунё.



ГҶЗАЛЛИК

Ох, ўша чехралар, ўша хушнудлик,
Қаро кўзлар бахтга етдими охир?!
Гўёки малоҳат боғида нозик—
Вужудга нақш этган ой нурин тақдир.

Бу ўша табассум... Хаёл этганим
Лолагун ёноқлар бағрин безатган.
Сўйланг, ўшал бахтга ростми етганим,
Менга кулгу ила нарғиз узатган.

Сочлари белларин қучоқлаб тўймас,
Сабо кокилларин ўпар ҳар замон.
Чечаклар мақтовим ёмонга йўймас,
Гўзаллиги менга бўлгайдир армон.

Кийган либослари атлас толаси,
Майсалар, гулбарглар васфига адо.
Айтинг, бу қай тоғнинг кўркем лоласи,
Ҳуснига оламнинг борлиги шайдо.

Бу малак Дилбарми, Дилдор ва ё гул
Қай Мажнун ишқининг ёниқ туғёни?
Меҳр ила сеҳрига асирман буткул,
Қай манзил то абад унинг макони?

Раббимнинг қудрати буюк ва чексиз,
Раббимдир бу малак яратгувчиси.
Мен эса гўзаллик олдида ожиз,
Забун бу таърифлар таратгувчиси.



ДУНЁ

Мўъжиза эмасми асли бу дунё,
Табиат яратган улуг салтанат.
Умримиз ўтмоқда мисоли дарё,
Кимгадир дўзахдай, кимгадир жаннат.


Қайтар дунё эрур асли бу олам,
Бошқага не қилсанг, қайтар ўзингга.
Кўрасан ҳаётда қувонч, қайғу, ғам,
Ва лекин адашма айтар сўзингга.

Биз ахир меҳмонмиз бу дунё аро,
Ҳудудсиз коинот кенг меҳмонхона.
Ўтинчим: яхшилик қилгин доимо,
Ёмонлик, ҳасадга бўлгин бегона.

ОНАЖОН

Онажон, тилларим ҳеч сўз тополмас,
Мақтовга ожиздир ҳаттоки сўзим.
Муҳаббат гулисиз, меҳр ёғдуси,
Чексиз меҳрингиздан нурланар кўзим.

Менга бу дунёда жаннат керакмас,
Ҳар юрган йўлингиз ўзи бир жаннат.
Меҳрингиз дилимга жойланган жаҳон.
Яшайди мен бирла абадул абад!



*ҚАНИЙДИ ШОИРА
БЎЛОЛСАМ МЕН ҲАМ*

Шеър ёзсам, юрагим орзуга тўлар,
Қанийди шоира бўлолсам мен ҳам.
Зулфия бувимдек ёниқ шашт билан
Пурмаъно, пурҳикмат шеърлар ёзолсам.


Шоир-чун буюк бахт битса буюк шеър,
Шеърдан ўзгалар олсалар баҳра.
Юрагим тугёни тинмай ҳайқирар:
“Гўзал шеър ижод қил, бўлсанг шоира!”

Гўзал шеър ёзмоқлик қилса гар насиб,
Безардим умримни шеърларим ила.
Она юрт, она халқ қувонч, қайғусин
Қуйлардим беҳисоб шеърда баралла!

*НАВБАҲОРНИ
СЕВМАҒАНМАН БЕКОРҒА*

Не иқболки, юрагимга соғинч шамдек нур сочди,
Гўё гуллар атр-бўйи қалбда минг чирой очди.
Соғинганим кўкламни севишим шеърга кўчди,
Эй, Оллоҳим, навбаҳорни севмаганман бекорга.

Эндигина бўй чўзган ҳар майса, ҳар гиёҳга,
Боқдим, кўрдим баҳорни, минг бор шукур Оллоҳга.
Қишни суймай, баҳорни севиб қолдим гуноҳга,
Эй, Оллоҳим, навбаҳорни севмаганман бекорга.



Баҳор мадҳи, гул чиройи тилимдаги ғазалдир,
Зеб-зийнатнинг жилосидан ўрик гули афзалдир.
Баҳор кўрки дунё аро гўзаллардан гўзалдир,
Эй, Оллоҳим, навбаҳорни севмаганман бекорга.

Баҳор, кездим боғларингни ҳусну мулking тахти бор,
Сенга етган инсонларнинг кулар омад, бахти бор.
"Баҳор, сени севаман!" деган минглар аҳди бор,
Эй, Оллоҳим, навбаҳорни севмаганман бекорга.

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

Мақтаб ҳовлисида жарангламоқда,
Сўнгни қўнғироқнинг таниш садоси.
Дилда бир энтикиш, қайноқ ҳаяжон,
Кучгандай айрилиқ куйи, навоси.

Устозлар кўзида тошар қатра ёш,
Дилларни ўртайди маъсум нигоҳлар.
Сўнгни қўнғироқнинг дилгир садоси
Недандир юракни гўё огоҳлар.

Синф хоналарида сўнгни туришлар,
Болалик кулгиси тугади энди.
Она мактабингдан айрилиш оғир,
Шовқин-суронларнинг бариси тинди.

Келажак бонгидир сўнгни қўнғироқ,
Мустақил ҳаёт-чун тилайди оқ йўл.
Дўстлар бир-бирига тилак билдирар:
"Хайр, азиз синфдошим, доим омон бўл!"




ОРЗУЛАРИМ ХАЁЛИ

Мен армонга эгмайсан бош кўз ёшим тўкилса ҳам,
Вужудимни тилса майли чексиз дарду, минг алам.
Кулгуларга айлангуси ҳатто аччиқ қайғу, ғам,
Тарк этмаса бўлди мени орзуларим хаёли,
Кўз ўнгимда гавдаланар ушалишин жамоли.

Доим дилим бирла бўлса орзуларим қўшқанот,
Менга йўлдош нурли манзил, иқбол, мазмунли ҳаёт.
Илм нурига меҳру ишқим айлагайман коинот,
Тарк этмаса бўлди унсиз орзуларим хаёли,
Мен бўлгайман бир умрга шеърятнинг аёли.

Сен-орзуйим сўнгсиз осмон, сенга етмоқ истайман,
Кенг бағрингга бошим қўйиб, меҳрдан тўймоқ истайман.
Бир умр сен деб яшаб, сенсиз кетмоқ истайман,
Тарк этмагин мени унсиз орзуларим хаёли,
Сенга ҳамроҳ бўлар доим шодон кунлар камоли.





САРХАНҒ ҚИШЛОҒИМ

Сарханг...

Наздимизда шу кичкина сўз
Бағрида барқ урар бир олам маъно.
Унда яширинган энг кўхна тарих,
Унда жаранглагай не турли садо.

Табиати тенгсиз, гўё кенг жаҳон,
Аллалари билан машҳур момолар.
Сарханг дея гўзал ном олган макон
Ичра ўтган қанча улуғ боболар.

Беданалар сайрар бунда эрта-кеч,
Оқшомда авжида мушоиралар.
Боғлари хушҳаво, таърифи йўқ ҳеч,
Солланиб юргайлар моҳичеҳралар.

Дунёда қишлоқ кўп, шаҳарлар бисёр,
Сархангим мен учун танҳо, яғона,
Сархангнинг меҳри-ла қалбимда баҳор,
Сархангсиз бу дунё менга бегона.

БАҲОРИМ

Яна сен келдингми, гўзал баҳорим,
Хушбўй гулларингни сочиб келдингми?!
Сайроқи булбулинг, шўх қалдирғочинг
Олис тоғларингдан олиб келдингми?!

Нозланиб боқасан мисли келинчак,
Ноз ила кўлларинг бошимни силар.
Тиниқ ёмғирларинг ёғади чак-чак,
Алвон лолаларинг ўланлар айтар.

Ҳаётим гўзалдир сенинг бағрингда,
Она табиатдан яралган баёт.
Болалик чечагим ўсади сенда,
Баҳорим, кетмагин, қолгин барҳаёт!





ШЕЪР ВА КУИ

Эй, дилбар, сўз очма бир нафас қайғу-аламдин,
Хаёллар чўмилсин шеър, шуур уммонларига.
Истагим: шеърлар оқсин қоғоз узра қаламдин,
Жойланиб ҳар мисраси диллару дostonларга.

Хушнаво куйлар чалиб, дил тори берсин садо,
Сеҳру жоду оғушида чақнасин шахло кўзим.
Не бахтки, ҳаётим баҳори куй ила пайдо,
Бу куйга зеб-зийнат дилдан оққан дур сўзим.

БУВИЖОНИМ

Мен умрбод сизни севиб, сизни суйиб яшайман,
Барча шеър ашъоримда сизни куйлаб яшайман.
Соғинчлардан кўзларим бўлиб қолса ҳам басир,
Ҳар куни, ҳар лаҳзамда сизни қўмсаб яшайман.

Хаёлларим кўзгусида сизнинг гўзал чехрангиз,
Баъзан маъюс, баъзида лаб учида кулгингиз.
Меҳрингизнинг адоғи йўқ, дунёда бетакрорим.
Бошимни силамоқдан чарчамайди қўлингиз.

Кеча-кундуз қўлласин сизни раҳмдил Оллоҳим,
Соғлик ила узоқ умр, иқбол берсин илоҳим.
Қўллари дуодаю тилларида хуш калом,
Бувижоним биз учун ибрат қуёши доим.



АШИРҒУЛ

Атиргулим, чиройингга махлиё бўлганлар кўп,
Сени суюб севганининг қўлига тутганлар кўп.
Қалбда қайғу ўт солганда, қалб жароҳат олганда,
Висолингга муштоқ бўлиб, сени зор кутганлар кўп.

Сени кўрган ҳар ошиқ ақлидан бегонадир,
Термулган қаро кўзлар ишқингда девонадир.
Очилган онларингда бунча нафис, хушрўйсан,
Булбули шайдоларинг бошингда парвонадир.

Мен-чи, гулим, ўзга гулдан сени доим рашк қилгум,
Чиройли гулбаргингга қалбим торини илгум.
Яшайсан сен хаёлда, ўнгиму ҳам тушимда,
То ўлгунча қалбимга сени султон, шоҳ билгум.



КҮИ

Куй, кўшиқ дилларга дилбар қувончдир,
Кўзларда ўт бўлиб порлар илҳоми.
Борлиқни, ҳаётни куйласам арзир,
Яхшилик, эзгулик диллар ороми.

Рухимда тетиклик, қалбимда меҳр,
Наво қудратидан яйрар дил боғи.
Муҳаббат уйғотган дамларда оҳанг,
Қуёшга айланар ҳаёт чироғи.

Муҳаббат—мусиқа шайдоси, дерлар,
Юракда муҳаббат яшолмас куйсиз.
Созанда торисиз яшолмагандек,
Инсон ҳам яшолмас ҳеч қачон усиз!



ТУШИМДА

Тушимда кўрибман азиз устозим,
Узокдан дермишлар: "Келақол, қизим".
Қалбимда ҳаяжон ҳислари тошар.
Ва лекин бўғзимда тиқилган сўзим.

Кўлимда оқ дафтар, бир оддий қалам,
Қалбимда оловдай ёнади алам.
Тилимга сўз келмас, дилда сўз қотган,
Устозим дермишлар: "Не бўлди, болам?"!

Кўзларим ёшларга тўлганча ётар,
Қоғозим сувдаги ботқоққа ботар.
Устозим ҳолимни билмаслар ҳамон,
Мурғак қалбим ғамлар сувида оқар.

Муз қотган оёғим, юзларим, кўлим,
Юзларига боқсам, юзлари сўлим.
Устозим бу гапдан эмас хабардор,
Уларни кутармиш абадий ўлим...

Шу заҳот уйғондим, кўзларимда ёш,
Заррин нурларини сочарди қуёш.
Ўйладим: ўлимга бермасман асло,
Устозим келишган, ҳали жуда ёш.

Мактаб кучоғига отландим, ана,
Адабиёт дарси бошланди яна.
Шаҳдам қадам ила кириб келмоқда,
Устозим мисоли меҳрибон она.




ЁУЛИМ

Мен ҳамон яшайман соғинч қўйнида,
Юрагим талпинар сенга ҳар замон.
Кўклам ёноғидан ранг олган гулим,
Баҳор изларидан кетдинг сен қаён?

Кўзимда суратинг, қалбимда меҳринг,
Атрингни севардим ҳар гулдан пинҳон.
Яралган боғингда сочилган сеҳринг,
Ва лекин сен йўқсан, хувиллар бўстон.

Унутмам жамолинг, баргинг, бўйларинг,
Навбаҳор бағрида очилганларинг.
Малоҳат шамсининг дилбар бўйидан
Ҳусн олиб боғ аро сочилганларинг.

Тонг аро гулзордан излагум сени,
Йўқлигинг билинар, ўртанар дилим.
Кутаман гул фаслин қувнаб қайтишин,
Ўшанда ҳуснингга тўярман, гулим!



ЛОЛАЖОН

Лолажон, бунчалар гўзалсан, гўзал!
Гулгун юзларингдан мен чирой олай.
Хажрингда куйдирдинг ошиқлар дилин,
Кўнглим дер: мангуга сен билан қолай.

Кўркам баргларинг ҳам ўзингдек гўзал,
Кўзимни яшнатар баланд бўйларинг.
Капалак бошингда тонгдан парвона,
Келинчак кўлидай нозик кўлларинг.

Энг баланд тоғларнинг чиройи сенсан,
Кўксингга бош кўяр ою юлдузлар.
Фасли навбаҳорнинг эркаси сенсан,
Сенга ҳавас қилар ҳатто гул юзлар.

Сенинг чиройингдан кўзим узмасман,
Аммо юрагимни тирнар бир алам.
Гуллар жамолини кўз-кўз этганда,
Сен хазон бўлгайсан, юзларингда ғам...

Лолажон, бунчалар гўзалсан, гўзал!
Гулгун юзларингдан мен чирой олай.
Хажрингда куйдирдинг ошиқлар дилин,
Кўнглим дер: мангуга сен билан қолай.



ШИЛАЖ

(Келинойим Нилуфарга)

Сен ўша аёлсан, сен ўша она,
Меҳрдан кўзлари ёниқ ўт олган.
Сендайин Нилуфар бормикан яна,
Ҳар дилга абадий ишқ сеҳрин солган?!

Балки диллар суяр сендан ўзгани,
Ундайин суймоқни надир кераги?
Сен борсан—муҳаббат малоикаси,
Дийдорингга етмоқ диллар истаги.

Лаъли лабларингдан завқ олар кулгу,
Мужгонинг макрига бўлдим-ку асир.
Сен мавжуд масканда яшнайти орзу,
Сен меҳр нурига йўғрилган ахир.

Юраклар интилар сени севмоққа,
Гулдек рухсорингга шайдоларинг кўп.
Эй, пари, имкон бер меҳринг туймоққа,
Санинг-чи, қурбон-у адоларинг кўп.

Нури дийдаларинг ёнингда мудом,
Уларнинг бахтисан, шодлиги ўзинг.
Бахтиёр кунларинг этсин хўп давом,
Хушманзил йўлларда порлагай изинг.

Хушбичим, нозанин, малоҳатли ёр,
Хонадон бекаси, пари пайкари.
Сенга доим Аллоҳ, ёниқ чирой ёр,
Шахло кўзларингнинг сўнмас гавҳари.

Ғам-алам сен учун армонлар бўлсин,
Бир кун мен битгум шаънингга асар.
Дунё ташвишлари кўксинг тилмасин,
Ҳаётда яшнайвер, гўзал Нилуфар!



ДУОГҮЙ БҮЛСАМ

Тангримга туну кун шукрона йўллаб,
Жойнамоз устида элга бахт тилаб,
Яна орзу ила нурафшон бу қалб,
Армоним йўқ эди, дуогўй бўлсам.

Илм ўргандиму чиқардим савод,
Қўл очиб дуолар айтмоқ ҳам савоб.
Дуо ўрганмоққа, Тангрим, бер сабот,
Армоним йўқ эди, дуогўй бўлсам.

Қани пок дилларга зиёлар сочиб,
Дастурхон бошида кўлимни очиб.
Яшасам гуноҳ иш дастидан қочиб,
Армоним йўқ эди, дуогўй бўлсам.

Карами кенг эгам—ҳимоячим бор,
Қалбимда меҳридан эзгулик бисёр.
Тилимда хуш калом, тилимда такрор:
Армоним йўқ эди, дуогўй бўлсам.



ИЛҲОМИМ

Қалбимга ўт солдинг билмам қай лаҳза,
Ошиқдим бағрингдан гул термоқ учун.
Ўйларим уйғотдинг, жисмимда ларза,
Оташин шеърларга руҳ бермоқ учун.

Шеърларим яралмас сенсиз ҳеч қачон,
Осмону фалақдан келгайсан ҳар вақт.
Қудратинг паноҳдир, сеҳринг нурафшон,
Сенинг келмоғингнинг ўзи катта бахт.

Сен борки, шеърларим гўзал, хушнафас,
Хаёлда яшайди ашъор сурури.
Сенингсиз шеърларим руҳи пажмурда,
Сенингсиз порламас дилда сўз нури.





КЕЛИНЧАК

Юлдузлар чиройин сочган кечада,
Келинчак чиқади тўй сахнасига.
Ой ҳам ёна-ёна бўлгайдир адо,
Хуснига лол боқиб ишқ ойнасига.

Оппоқ либослари гулга бурканган,
Бўйнида юлдуздан тақилган маржон.
Нозик қўяларига узук ярашган,
Ундан-да бахтлирок инсон йўқ шу он.

Чехраси ой каби, кўзлари қуёш,
Юзлари товланар мисли камалак...
Қувончдан келинчак кўзларида ёш.
Марварид томчилар ёғилар чак-чак.

Муҳаббат бахтидан энтикар юрак,
Куй-қўшиқ янграгай такрор ва такрор.
Сўз сўзга уланар, тилакка тилак,
Келинчак бахти-чун айтилар ёр-ёр.

Тангрига шукрона айтар келинчак!..

ҲАЁТДАН РОЗИМАН

Булбуллар хонишин соғинган ниҳол,
Бош эгиб заминга, қаршилар кузни.
Шамоллар шаштидан ғамнок, бемажол,
Эслаб йиғлаётир баҳору ёзни.

Боридан ажралган шохлар яланғоч,
Ҳиссиз нигоҳлари боқар хазонга.
Орзулар оҳуси меҳрга муҳтож,
Бариси айланган совуқ армонга...

Эй, куёш, нурингни аяма биздан,
Бахт куши куйласин ҳаёт куйини.
Куз сепин ёйса ҳам, дилим, жону тан.
Тантана қилайлик кузнинг тўйини.

Майли, сукунатда ўтса ҳам умр,
Айрилиқ, изгирин тугайди бир кун.
Ҳаётдан розиман, умид—мунаввар,
Сабр-қаноатдан кўнглимиз бутун!





МУНДАРИЖА

Боқий бахт бўстони.....	2
Азиз инсон қизиман.....	3
Ватаним.....	4
Шеърим.....	5
Дунё билан суҳбат.....	6
Устоз шоирга.....	7
Кўрмадим.....	8
Баракаси бор.....	9
Мустақиллик.....	10
Ўзингдан бегона қилма.....	11
Бухоро.....	12
Гўзаллик.....	13
Дунё.....	14
Онажон.....	14
Қанийди шоира бўлсам мен ҳам.....	15
Навбахорни севмаганман бекорга.....	15
Сўнгги кўнғироқ.....	16
Орзуларим хаёли.....	17
Сарҳанг қишлоғим.....	18
Баҳорим.....	19
Шеър ва куй.....	20
Бувижоним.....	20
Атиргул.....	21
Куй.....	22
Тушимда.....	23
Гулим.....	24
Лолажон.....	25
Тилак.....	26
Дуогўй бўлсам.....	27
Илҳомим.....	28
Келинчак.....	29
Хаётдан розиман.....	30





Дилнавоз РАСУЛОВА

ҚАЛБИМНИНГ ҚЎРИ

(Шеърлар)

Мухаррир — **Бахшулла РАЖАБ**
Техник муҳаррир — **Ў.ИБОДУЛЛАЕВ**
Мусахҳих — **Ҳ.ҲАМИДОВА.**
Саҳифаловчи — **Н.МАВЛОНОВ.**
Мусаввир — **Илёс ТОШЕВ.**



Босмахонага берилди 29.XI.05. Босишга рухсат
этилди 9.12.2005. Бичими 70x90, 1/32. Газета қоғози.
500 нусхада чоп этилди. Буюртма № 2753.

"Бухоро" нашриёти, Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси,
27-уй. Бухоро вилояти босмахонаси компьютер
марказида нашрга тайёрланди ва шу босмахонада чоп
этилди. Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 27-уй.

